

26-MAY

2023



Toshkent tibbiyot
akademiyasi



Toshkent davlat
stomatologiya instituti

TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA IJTIMOY FANLARNI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi

Google Scholar indexed

CYBERLENINKA

Google
scholar



Toshkent tibbiyot akademiyasi

www.tma.uz

Toshkent davlat stomatologiya
isntituti

www.tsd.uz

“Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida Ijtimoiy fanlarni o'qitishning dolzarb muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari 2023-yil 26-mayda Anjumanda Rostov davlat tibbiyot universiteti, X.A.Yassaviy nomidagi Xalqaro qozoq-turk universiteti, O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Tarix instituti, O'zbekiston Milliy universiteti va boshqa xalqaro hamda respublikaning nufuzli oliy ta'lim muassasalari hamkorligida tashkil etilgan konferensiya asosida tayyorlangan bo'lib, ushbu to'plam tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida Ijtimoiy fanlarni o'qitishdani muammolariga bag'ishlangan.

Keltirilgan dalillar, iqtiboslar va statistik ma'lumotlarning haqqoniyligi uchun maulliflar mas'uldirlar.

Toshkent - 2023



Bosh muharrir: t.f.d., professor A.Q.Shadmanov

Tahririyat a'zolari: professor F.L. Azizova, t.f.d., professor Sh.A. Boymurodov, professor S.D. Norqulov, professor Z.M. Muxamedova, professor D.T. Norqulov, professor U.M. Abilov, dotsent F.S. Atamuratova, dotsent S.G. Alimova

“TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA IJTIMOIIY FANLARNI
O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI, 2023-yil 26-may.



ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Дилмурод Зухриддинович Эрназаров

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ижтимоий-гуманитар фанлар
кафедраси доценти, сиёсий фанлар доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ижтимоий хизматларни ривожлантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги талқин қилинган. Унда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро уйғунлик жиҳатлари ва ахлоқий нормалар билан боғлиқлик жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат, ижтимоий иш (хизмат), ижтимоий гуруҳлар, қадрият, анъана, миллат, аксиология.

ГАРМОНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЦЕННОСТЕЙ В РАЗВИТИИ СОЦИАЛЬНЫХ УСЛУГ

Дилмурод Зухриддинович Эрназаров

Доцент, кафедры Социально-гуманитарных наук
Ташкентского государственного экономического университета,
доктор политических наук (PhD)

АННОТАЦИЯ

В данной статье интерпретируется взаимосвязь национальных и общечеловеческих ценностей в развитии социальных услуг. Анализируются аспекты взаимной гармонии национальных и общечеловеческих ценностей и аспекты взаимосвязи с нравственными нормами.

Ключевые слова: государство, социальная работа (услуги), социальные группы, ценность, традиция, нация, аксиология.

Қадриятлар тушунчаси фалсафий тушунча бўлиб, уни аксиология (юнонча *axios* – қадрият ва *logos* – таълимот) ўрганеди. Ўз моҳиятига кўра, қадрият атамаси фалсафа ва социология фанларида кўпирок ишлатилиб, у ёки бу фаолиятда инсонни манфаатларига хизмат қилиш маъноси тушунилади. [1] Шунинг учун ҳам



кадрият тушунчаси инсонларнинг ҳар бир фаолият турида ўз аксини топади ва унга доимо амал қилади.

“Илмий ҳамжамиятлар томонидан умуминсоний кадриятлар деганда алоҳида инсонлар ёки турли ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг манфатларидан юқори турадиган кадриятлар тушунилади” [2].

Инсоний кадриятларнинг жамиятда кучли қарор топишида жаҳон динларининг роли ва аҳамияти катта бўлган. Барча динлар инсонларни яхшиликка, ўзгаларга ёрдам беришликка, бошқаларни камситмаслик ва тайзиқ ўтказасликка чақиради. [3]

Бир сўз билан айтганда, умуминсоний кадриятлар ижтимоий хизматлар фалсафасини ташкил этади ва шу асосида тараққий этади. Ўзоқ ўтмишдан бошлаб, инсоннинг ўзи ва атрофидаги ўзгаларга бўлган муносабати, қийин вазиятларда маъсулиятни зиммасига олиши, қавм-қариндошлар ва жамият олдидаги вазифасини адо этиш ҳисси шаклланишига олиб келган. Ушбу воқеалилик барча фалсафий таълимотлар марказидан жой олган. Умуминсоний кадриятларни давлат ва жамият ривожланишида тутга ўрни инсонларнинг дунёқарашининг ўзгариб бориши билан чамбарчас боғлиқдир.

“Тадқиқотчилардан бири А.В.Миронов энг олий ва абсалют кадрият сифатида инсонни тан олади, чунки, инсон ҳаётнинг ҳамда барча кадриятлар субъектидир”. [4]

Турли илмий парадигмаларда ижтимоий хизмат бир вақтнинг ўзида кадриятлар тизими ривожлантириши ва жамиятнинг ресурслари фуқарорлар орасида адолатли тассаруф қилинишини таъминлаши айтилади. Ижтимоий хизмат кўрсатувчи субъектлар (ННТлар) ва ходимлар (кўнгиллилар) миллий ва умуминсоний кадриятлар (меҳнат қилиш, ўзаро ёрдам кўрсатиш, тенглик, адолат, инсон қадр ва ҳоказолар) тарғиботчиси ролини ўйнайди.

Ижтимоий хизматлар соҳасидаги кадриятлар тизими муҳимлиги жиҳатдан турли даражаларга бўлинади:

- **умуминсоний** – бутун инсониятга даҳилдор бўлган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган нормалар, яъни инсоният тамаддунининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган глобал муаммолар киради. Улардан энг асосийлари ер юзида илм фанини тараққий эттириши, адолатни қарор топиши, тинчликни сақлаш, инсонлар ҳаётини яхшилаш, ядровий қуролларнинг пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиат, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва



саводсизликка барҳам бериш ва озиқ-овқат билан таъминлаш ва ҳоказо муаммолар киради;

- **минтақавийлиги** – муайян жамиятда тан олинган ва жорий қилинган нормалар, яъни бир ҳудуднинг иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар йиғиндисини ташкил этади;

- **миллий қадриятлар** - мураккаб ижтимоий-сиёсий, руҳий ҳодиса бўлиб, у муайян халқда ижтимоий ёрдам бериш маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

- **профессионал** – маълум йўналишдаги мутахассислар учун муҳим бўлган ва уларнинг ўз профессионал касбий фаолияти билан узвий боғланган нормалар киради;

- **индивидуал** – мутахассислар ва уларнинг хизматларидан фойдаланувчи шахслар учун қабул қилинган нормалар;

- **прогрессив** - қадриятларнинг барча турлари инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришини, эркин яшаш, маънавий ахлоқий камол топиши учун хизмат қиладиган воситалар ҳисобланади. Буларган фан-техника ютуқлари, кашфиётлар, ижтимоий инновациялар ва ҳоказолар киради.

Ижтимоий хизматлар соҳасидаги қадриятлар тизими кенг кўламлиги жиҳатдан қуйидаги даражаларга бўлинади:

Мегадаражада қадриятлар глобал даражадаги мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан ўрганилади. Буларга: инсонларнинг яшаш ҳуқуқи; шахс эркинлиги; тенглик ва камситилмаслик; адолатлилик; ҳамдардлик; ижтимоий маъсулият; тинчлик ва тотувликни таъминлаш ва ҳоказолар.

Макродаражада – ижтимоий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (ННТлар) ва ходимларнинг давлат, жамият, истеъмолчи фуқаролар олдидаги юксак маъсулияти билан изоҳланади.

- фуқаронинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва ҳолатини ҳурмат қилиш;
- фуқароларга хизмат кўрсатишда баъзи маълумотларни сир сақлаши;
- фуқароларни ижтимоийлашувида кўмаклашиш ва жамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида ўзини ҳис этиши учун шарт-шароитлар яратиш бериш;
- фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш;



- ўзининг назарий билим ва кўникмаларини ўзгаларга етаказиш;
- фуқароларни ҳуқуқларини таъминланиши, ҳурмат ва эътиборга лойиқлигини таъминлашга хизмат қилиш ва ҳоказолар.

Мезодаражада – ижтимоий хизмат кўрсатиш фуқароларнинг ижтимоий нормалари ва умуминсоний қадриятлар билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳам ННТлар томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар муайян давлатнинг ижтимоий сиёсати доирасида амалга оширилади.

Микродаража- ижтимоий хизматлар истеъмолчиси билан ходимнинг ўзаро яқиндан мулоқотга киришиши натижасида ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, бир бирини тушуниш, руҳий қўллаб-қувватлаш каби ижобий ҳиссий туйғуларни вужудга келтиради.

Тадқиқотчи олимлар ижтимоий хизматлар соҳасида қадриятлар иерархияси тўғрисида фикр юритадилар. Қадриятлар иерархияси ўзида қуйидагиларни акс эттиради: *инсон ва жамият, эркинлик, ижтимоий ҳимояланганлик, адолатлилик, меҳнат қилиш, дам олиш, тенглик, ҳуқуқларини кафолатланганлиги ва ҳоказолар.*[5]

Ижтимоий хизмат шундай фаолият турики, у жамиятда йиллар давомида ривожланиб келган инсонпарварлик ғоялари ва қадриятлари ҳаётда ўз аксини топтиришга қаратилган. Унинг провард натижаси, жамият ва халқ форовонлиги, давлатнинг ижтимоий сиёсатининг самараси, фуқароларнинг ижтимоий фикри, кайфияти ва ҳолатни яхшиланишига олиб келади.

Ижтимоий хизматларда қадриятлар тизимини ишаклланиши бир қанча омиллар таъсир қилади. Буларнинг ичида энг муҳимлари қуйидагилар: ижтимоий хизмат кўрсатишда инсонпарварлик тамойилларига таянилади; ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимида қадриятлар ривожланиши турли янги компонентларнинг кўшилиши асосида рўй беради; анъанавий қадриятлар маҳаллий даражада ҳудудларда вужудга келади ва ривожланади; ижтимоий соҳада ҳар қандай қадриятларнинг ривожланишида умуминсоний қадриятларининг элементларини ўзида мужассамлаштиради; ижтимоий соҳа субъектлари ва вакиллари орасида қадриятлар ўз фаолиятлари асосида ривожланади; ижтимоий хизмат кўрсатишда хорижий давлатлардаги янги қадриятлар ҳам таъсир кўрсатади; ижтимоий хизмат кўрсатишда кўп асрлик миллий анъаналар ва қадриятларга таяниш бирламчи вазифани бажаради; ННТлар томонидан ижтимоий хизматлар кўрстилишида давлат сиёсати ва миллий қонунчиликни ўзгариши янги қадриятларни вужудга келтиради ва ривожлантиради.



Барча демократик давлатларда умуминсоний кадриятлар сифатида куйидагилар тан олинган: оила куриш, соғлиқни сақлаш, таълим олиш, меҳнат қилиш, диний эътиқод, ахборот олиши ва тарқатиши, илм-фан техника ютуқларидан фойдаланиш, конституцион ҳуқуқларининг таъминланиши ва ҳоказолар.

REFERENCES

1. Философский энциклопедический словарь. – М., 1983. – С. 765.
2. Утяшев, М. М. Права и свободы человека и общечеловеческие ценности/ М.М. Утяшев//История государства и права. – 2010. – № 7. – С. 9–12.
3. Философия: Энциклопедический словарь. Под редакцией А.А. Ивина. – М., Гардарики, 2004.
4. Миронов А. В. Понятие ценности, виды и иерархия ценностей/А.В. Миронов//Социально-гуманитарные знания. – 2007. – № 1. – С. 101.
5. Ярошенко С.С. Синдром бедности//Социологический журнал. – 1994. – №2; Иноземцев В.Л. Классовый аспект бедности в постиндустриальных обществах//Социологические исследования. – 2000. – № 8.

